

#### *Гиёсов Дишиод*

**Аннатация:** Мазкур мақолада араб тилишунослигининг пайдо бўлиши ва унинг ривожси ҳақида сўз боради. Араб тили грамматикаси, унинг яратилиши ва ривожланиши бевосита ислом дини билан боғлиқдир. Ер юзида мусулмонлар исломни ёйши мақсадида араб жазириасидан ташқари ҳудудларни «фатҳ» қилгандан сўнг, ажнабий тил вакилларига диний манбалрни баён қилиши учун, араб тилини ўргатишга эҳтиёж сезилди.

Араб тили ўзининг қаторор хусусиятлари билан бошқа тиллардан фарқ қиласади, жумладан, атамалар, таърифлар, тил ҳодисаларига ёндашув ва бошқа жиҳатлари билан. Улардан бири ҳар қандай илмий тушунчанинг, албатта, дастлаб лугавий, сўнг унинг истилоҳий ма’ноларига эътибор қаратилишидир. Бундай услубни бошқа тилишунослик мактабларида деярли учратмаймиз. Дарҳақиқат, бу араб назарий тилишунослигининг ўзига хос хусусияти ва ютуғидир. Араб тили грамматикасининг тарихий тараққиётидаги алоҳида ўрин тутувчи асарлар сирасидан Халил ибн Аҳмаднинг «Ал-Айн», Сибавайҳнинг «Ал-Китоб», Замахшарийнинг «Ал-Муфассал» асарларини санаши мумкин. Бу китоблар қаторига шубҳасиз «Ал-Хулосату фи-н-наҳв» асари ҳам киради. араб тили марфалогияси, синтаксисикаби йўналишилар алоҳида, «Наҳв илми», «Сарф илми» «Тажвид илми», «Балогат илми» ва «Ваз’ илми»каби алоҳида фанлар кўрининшига келди.

**Annotation:** This article talks about the emergence of Arabic linguistics and its development. The grammar of the Arabic language, its creation and development is directly related to the religion of Islam. After the Muslims "conquered" the territories outside the Arabian Peninsula in order to spread Islam on earth, there was a need to teach the Arabic language in order to explain the religious sources to the representatives of foreign languages.

## ***Modern education and development***

---

*The Arabic language differs from other languages in a number of ways, including terms, definitions, approaches to language phenomena, and other aspects. One of them is the fact that any scientific concept should be focused first on its lexical and then on its terminological meanings. We hardly find such a style in other linguistic schools. In fact, this is a unique feature and achievement of Arabic theoretical linguistics. "Al-Ain" by Khalil ibn Ahmad, "Al-Kitab" by Sibawayh, and "Al-Mufassal" by Zamakhshari can be counted among the works that have a special place in the historical development of Arabic grammar. Al-Khulosatu fi-n-nahv is undoubtedly one of these books. Arabic language morphology, syntax, etc., separate disciplines such as "Nahv ilmi", "Sarf ilmi", "Tajvid ilmi", "Puberty ilmi" and "Waz' ilmi" appeared.*

**Таянч сүз ва иборалар:** Шарқ, Араблар, лугат, изоҳ, Бибил, Муҳаммад ибн Дурайд, Абу Убайд, Қутайба, тилишунослик мактаби, қолин, феълий, Қуръон, К. Фоллерс, К. Броккелман, Қадимги Юнон, X-XI аср

Тилларни ўрганишга бўлган жиддий қизиқиши, тарихнинг гувоҳлик беришича, тилнинг асосий бирликлари ва уларнинг нутқда қўлланиши қоидалари дикқат марказида тура бошлаган вақтдан бошланган экан. Бундай қизиқишининг уйғонишига Яқин Шарқдаги қадимий давлатлар (Миср, Шумер, Аккад, Бобил, Финикия, Угарит ва бошқалар)даги турли вазиятлар – хўжалик, маъмурий, диний, дипломатик ва бошқа қўпгина соҳаларнинг фаолияти натижаларини ёзма қайд этишни таъминлашга бўлган эҳтиёж ва шу йўл билан замон ва макон омилларига боғлиқ бўлмаган тил мулоқатига эришишда эди.

Инсоният тарихида биринчи марта ёзув системаси айнан шу Яқин Шарқ минтақасида яратилганлиги қайд этилган. Эрамиздан аввалги 4-минг йилликда Миср иероглификаси, эрамиздан аввалги 29-28 асрларда Шумер клинописи пайдо бўлган. Бу икки ёзув системаси кейинчалик шаклланган турли ёзувлар учун тўғридан тўғри манба ёки «подсказка» бўлиб хизмат қилган. Жумладан, юнонлар финикийлар алифбосини ўзлаштиришган.

Ёзув системасининг яратилиши ва кенг тарқалиши қадимги Яқин Шарқ халқларининг инсоният цивилизацияси олдидаги катта ва муҳим хизматларидан бири бўлган.

Ёзув системаси – графиканинг яратилиши ва унинг такомиллаша бориши, ўқиш ва ёзиш маҳоратига ўргатиш тил бирликларини аввало сўзни инвентаризация ва таҳлил қилиш жараёнини жадаллаштирди. Миср, Бобил, Финикия ва Угаритда катта лексикографик ишлар амалга оширилган. Жумладан, котиб- маъмурларни ўқитиш (тайёрлаш) мақсадида бир тилли, кўп тилли (шумер-аккад, шумер-аккад-хетт, шумер-аккад-хурр) луғатлар, тематик луғатлар, бир хил маънодаги сўзлар луғати, изоҳли ва бошқа луғатлар тузилган. Бобилликлар (уларнинг таъсирида хеттлар ҳам) луғатларга фразео-логизмларни, жумлалардан намуналарни, сўзларнинг сўз ясовчи алоқалари ва форма ҳосил қилувчи сўзларнинг ўзига хосликлари ҳақидаги маълумотларни киритганлар.

Инсоният ҳаёти узоқ ўтмишга эга бўлгани каби унинг маданияти, санъати шу қадар қадимий, жумладан тили ва тилшунослиги ҳам ўзининг кўп асрли тарихига эга. Тиллар тахминан милоддан олдинги 5-асрда Хиндистон, Юнонистон, Римда ўрганила бошланди. Бу мамлакатларда тилшунослик амалий эҳтиёжлар туфайли ривожлана бошлайди.

Шарқда бир- бирига боғлик бўлмаган учта тилшунослик анъанаси пайдо бўлгани каби, улар ўзга халқлар ва давлатларнинг тилшунослиги тақдирига жиддий таъсир қилган. Уларнинг энг қадимийроғи хитой в ҳинд тилшунос-лиги бўлган. Ўрта асрларда эса араб тилшунослиги ҳам кўшилган.

Тил билимларининг тараққиётига араб тилшунослик мактабининг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, тил ҳақидаги фан икки тил ўртасидаги (адабий тил ва шева) фарқ ёки бир тилнинг икки тарихий босқичдаги ривожлинишини ўрганишда пайдо

бўлади, масалан, Ҳиндистонда. Худди шундай анологик сабаб ўрта асрларда арабларга тилшунослик билан шуғулланишга туртки берган.

Араб маданияти тарихи билан шуғулланиш шуни кўрсатадики, араблар ўз тилининг соғлиги ва бойлигини ҳайрон қоларли даражада юқори кўядилар. Уларни сақлаб қолиш, тил фактларини тўплаш, системалаштириш ва ўрганиш учун араб олимлари озмунча иш қилмадилар. Буларнинг барчаси ўзининг ижтимоий ва тарихий асосига, яъни илдизига эга.

Араб адабиёти тарихчиларидан бири Р. Никольсоннинг ёзишича: «Агар арабларнинг фахри ва ғурури бўлган тили уларни ўз тилларининг соғлигини сақлашни миллий бурч даражасига кўтарган экан, бу нарса уларнинг диний қарашлари балан ҳам боғлиқ. Бу уларни Қуръони каримни тўғри ўқиши ва талаффуз қилишни таъминлаш учун қатъий чоратадбирлар кўришга унданган». Ва бунинг натижаси ўлароқ араб тилшунослиги пайдо бўлган.

Араб тилшунослари классик араб тилининг фонетик тузилиши, грамматикасини ҳар томонлама ишлаб чиққанлар. Араб тилшунослигига муҳим бўлим лексикология эди. Араб тилшуносларидан Исо Сақафий (ваф. 766 й.) ўзининг кўп сонли ишлари ва шогирдлари билан ажралиб туради. Шунингдек ал- Усман Абу Убайд, ал-Мубаррад, Муҳаммад ибн Дурайд асарлари катта аҳамият касб этади. Араб филологияси тараққиётига Ибн Сиккит, Муҳаммад Анбарий, Абд ибн Кутайба, Ибн Жинний, Исмоил Жавҳарий, Муҳаммад Ҳиравий ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Бу муаллифларнинг асарларида араб тили лексикаси ҳар томонлама ёритиб берилган. Ўша даврларда классик араб тилининг кўп томли лугати тузилиб, иирик лексикографик ишлар қилинган.

Қадим Юноностондаги каби бу ерда ҳам сўзнинг товуш қобиғи билан предметлар, нарсалар ўртасидаги табиий алоқа тарафдорлари билан ўзаро келишув асосида белгилаш, номлаш тарафдорлари ўртасида тортишувлар олиб борилган. Сўзларнинг сони чекланган, маънолар сони эса

бехисоб эканлигини эътироф этиш араб лингвистик мушоҳадасининг муҳим ютуғидир.

Шундай қилиб, XI асрга келиб араб Шарқида тилшунослик жуда тараққий этиб кетди. Бирок қадимги Ҳинд, Юнон, Рим ва Араб Шарқи олимлари асарларида у ёки бу тилга оид маълумотларни шу группа ёки оила тиллари билан таққослаб ўрганилмади. Тилларни қиёсий ўрганиш ишини машхур олим Маҳмуд Қошғарий бошлаб берди.

Араб тилшунослигининг шаклланиши ва нисбатан жуда қисқа вақт ичида ривожланишнинг юқори чўққисига чиқишига тарихий шарт-шароит ёрдам берган. 632 йили тарих саҳнасига чиққан араб халифалиги-нинг сарҳадлари арабларнинг музafferона юришлари натижасида ниҳоят-да тез кенгая борди. Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳинdistonнинг каттагина қисми қўшилган ҳолда, Кавказорти, Шимолий Африка, Испания ва Европанинг жанубий районларигача халифалик таркибига кирди Шундай

қилиб арабийзабон маданиятнинг ривожланиш жараёнига турли ҳалқлар, маданиятлар аралашиб, қўшилиб кетди. Бу ўлкаларга ислом дини билан биргаликда араб тили ҳам дин, давлат, илм ва таълим тили сифатида кириб келди.

Бу даврда араб дунёсида табиий ва гуманитар фанлар гуллаб-яшнади. Тил, айниқса араб тили масалалари билан шуғулланишга алоҳида эътибор қаратилди. Араб тилининг соғлигини сақлаш умумдавлат миқёсидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланган. Бунинг диний ва сиёсий сабаблари бор эди. Ҳатто шундай араб ҳалқ мақоли ҳам бор: «Ҳикмат – римликларнинг ақлида, ҳиндарнинг хаёлотида, юнонларнинг қалбida, арабларнинг эса тилида экан...»

Фатҳ этилган давлатлар ислом динини қабул килишди, араб тили эса давлат тили деб эълон қилинди. Шундай қилиб қисқа вақт ичида классик араб тили жуда катта территорияли давлатнинг, ҳукмрон диннинг тилига айланди. Қуръони каримнинг оятлари, ҳадислар жуда тўғри талаффузни талаб этар эди. Ана шу муносабат билан Араб шарқида тилшунослик пайдо

## *Modern education and development*

---

бўлди, тараққий этди. Араб тилшунослигининг маркази Аббосийлар сулоласи даврида Басра ва Куфа шаҳарлари ҳисобланар эди. Араб тили грамматикасининг биринчи муаллифи аса Абу-л-Асвад Дуалийдир. Араб тилшунослари классик араб тилининг фонетик тузилишини, грамматикасини ҳар томонлама тўлиқ ва мукаммал ишлаб чиқдилар. Лексикология эса араб тилшунослигига асосий бўлим ҳисобланади.

Араб тилшунослари синтаксис, морфология ва фонетика масалаларида катта ютуқларни қўлга киритганлар. Синтаксиснинг вазифаси гапни структур – семантик анализ қилишдан иборат эди. Унда икки «сўз» ёки «сўз» билан «феъл» ўртасидага эга-кесим муносабати асос қилиб олинган. Тилшунослар гапларни йиғик ва ёйик, содда ва мураккаб жумлаларга; гапнинг бошида қайси сўз турганлигига қараб уларни «исмий», «феълий» ва «қолип» гапларга ажратганлар, унга мувофиқ эга ва кесимнинг ҳам турлари ажратилган. Гапнинг 2-даражали бўлаклари ҳам ажратилиб муфассал, тўла таснифланган (тўлдирувчининг 5 тури, турли хилдаги ҳоллар, изоҳловчилар). Келишикларнинг формал ва виртуал ҳолатлари фарқланган. Гапнинг конструкцияси, яъни тузилишини тушунириш учун «назарда тутилган (подразумеваемый член предложения) гап бўлаги» тушунчасини киритганлар. Мослашув, бошқарув ва битишув алоқалари ҳам таҳлил доирасига киритилган.

Морфологияда эса сўз туркумлари ва уларнинг синтактик жиҳатдан шарт(ланмаган) бўлмаган сўз ясалиши хусусиятлари ўрганилган. Бу соҳага сўз туркумлари «исм», «феъл» ва «ҳарф» (ёрдамчи сўзлар); ўзак таркиби, исм ва унинг турлари таснифи, феъллар, уларнинг форма ва маъноларининг муфассал таснифи; икки келишикли, уч келишикли исмлар, нисбий отларнинг ясалиши, грамматик жинс ва грамматик сон шаклларининг ясалиши, ўзак таркибидаги ундош сабабли сўз шаклининг ўзгариши, вақф (паузал) формалар ва бошқа ҳолатлар ўрнатилган. Айнан шу ерда масдар масаласида баҳс юритилган.

## *Modern education and development*

---

Араб олимлари фонетикада айниқса катта муваффақиятларга эришганлар. Масалан: Халил ибн Аҳмад, Ибн Сино, Сибавайхи. Грамматик асарларнинг фонетика бобида араб товушларининг артикуляцияси, шунингдек уларнинг турли ўзгаришлари баён қилинار эди. Ибн Сино товушлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш учун порреляция, яъни ўзаро алоқадорлик, бир-бирига боғлиқлик тушунчасини киритган. Фонемаларни ундош ва унлиларга ажратиши эса Ибн Синонинг жаҳон тилшунослиги ривожидаги катта хизматларидан бири бўлган. Геминация ҳодисаси эса тўлиқ прогрессив ёки регрессив ассимиляция натижаси деб таснифланган. Қисман ва масофадан туриб ассимиляциялаш ҳодиса ҳам баён қилинган.

Араб тилшунослари томонидан ундош ва унлиларнинг ўзаро алоқадорлиги, ундошларнинг алмаштирилиши, ҳамзанинг йўқолиши, литетеза, эпизия, боғловчи (бириктирувчи) унлининг пайдо бўлиши, товуш символизмлари масалаларигача ўрганилган. Араб тилшуносларининг нисбатан қисқа давр мобайнида шундай муваффақиятларга эришганликлари бошқа халқларда, ўзга маданият вакилларида бу ютуқларга нисбатан турли фараз, тахмин ва гумонларни келтириб чиқарган.

Маълумки, ҳозирга замон тилшунослиги деб аталмиш фаннинг асосида, Евropa тиллари грамматикасининг, шунингдек рус тилининг грамматикаси, у орқали ўзбек тили грамматикасининг асосида ҳам грек олими Аристотелнинг юонон тили учун ёзган «Грамматика» асари ётади. Араб тилининг грамматикаси эса араб тили учун яратилган ва VIII – IX асрларда шаклланиб ўз такомилига етган. Инсоният тарихида бундай ҳодиса, яъни бирор бир илмнинг бу қадар қисқа вақт ичида такомилга этишиши бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак бу илмнинг пайдо бўлиши хақида турли фикрлар мавжуд.

## *Modern education and development*

---

Жумладан, атоқли немис арабшунос олимі К. Броккельман ва унинг издошлари Лихтенштедтер, Адам Мецларнинг тахминича, араблар ўз грамматикасини Аристотелнинг «Логика» («Мантиқ»)асарига таяниб яратишган. Бу борада Лихтенштедтер шундай деган: «Араб тилшунослаrinинг асосий грамматик тушунчалари суриялик олимлар орқали (ёрдамида) арабларга кириб келган Аристотелнинг мантиқ илмидан олинган». <sup>3</sup>

К. Броккельман: «Араблар ўз моҳиятига, табиатига кўра юонон тилшунослигидан (грамматикасидан) тубдан фарқ қилувчи араб тили грамматикасининг асосий тушунчаларини ўз грамматик манфаатлари йўлида юононларнинг мантиқ илмидан олганлар».

А. Мец: «X асрнинг етакчи тилшунослари материални (манба, мавзуни) системали тарзда қайта ишлаш методига эҳтиёж сезганлар. Бу масалани ҳал қилишда юонон грамматикасининг кириб келиши муҳим рол ўйнаган.»

Климент Хьюар, Итало Пицци, де Бур каби араб маданияти тарихининг тадқиқотчилари ҳам у ёки бу даражада шу фикрга қўшиладилар. Бу фикрга далил сифатида араб грамматикасидаги асосий грамматик категориялар бўлмиш исм, феъл ва ҳарф тушунчаларининг юононларнинг мантиқ илмидаги тушунчалар билан ўхшашлигини келтиришади.

Немис олими К. Фоллерс 1892 йил шарқшуносларнинг 9- халқаро конгресси мажлисида сўзлаган нутқида биринчи марта ўз мулоҳазаларини баён этди. Унинг фикрича, араблар ўз грамматикасини ҳиндий тилининг (санскрит) Панини грамматикасига ўхшатиб тузишган. Унинг айтишича, «ҳиндлар араблардан 3 минг йил олдин ўз грамматикаларини яратиб бўлишганлиги учун араблар ҳиндлардан олган дейиш мумкин. Чунки улар ўртасида кўп ўхшашликлар бор». Кейинчалик бу фикрга К. Броккельман ҳам қўшилган. У ўзининг «Араб адабиёти тарихи» фундаментал асарининг 2- нашрида шундай дейди: «.... Агар XI асрда Ироққа [арабларга] Эрон орқали нафақат ҳинд ҳикоялари, балки ҳинд математикаси ва медицинаси кириб

## *Modern education and development*

---

келган экан, тилшунослиқда ҳам ўзлаштиришлар бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Араб грамматик тизимида ҳиндларнинг [грамматик] тизимиға ўхаш, бироқ тил[нинг] табиатига мос келмайдиган ҳайратомуз ўхашликлар борки, буни кўриб бири[инчиси] иккинчисидан ўзлаштириб олган деган фикрдан чалғиб бўлмайди».

Ҳинд ва араб грамматик тизимида шундай ўхашликлар борки, уларга кўз юмиб бўлмайди. Масалан, физиологик принципга кўра товушлар 8 гуруҳга бўлинган. Халил ибн Аҳмад томонидан бўлинганда, улар Панинининг 8 (места) жойи, ўринга айнан мос келади. Араблар 8 та портловчи ундошлар, 13 та фрикатив ундош, 8 та оралиқ (промежуточный класс) товушларга ажратишган. Ҳиндларда ҳам ундошлар худди шундай тасниф қилинади. Sparca, antahstna ва usman. Фонетика масалаларида ҳиндлар юононлардан устун бўлишган.

Араб олимлари, Европа олимларидан М. Бравман, А. Крамер, Э. Ренан ва И. Вейсс каби йирик тилшуносларнинг фикрича, араб тилининг грамма-тикаси автохтон тарзда, яъни ташқи таъсирсиз, бошқа илмларга таянмаган ҳолда яратилган.

А. Крамер арабларнинг грамматика билан шуғулланишига туртки бўлган омилларни, сабабларни таҳлил қилиб шундай дейди: «Арабларнинг ўз тилларининг грамматик системасини мустақил равишда ишлаб чиққанликлари [араб] илмий мушоҳада[си]нинг буюк кўриниши эди».

Э. Ренан: «Араб грамматикаси ташқи хорижий омил таъсирида яратилганмикан? Мусулмонлар фалсафа ҳақида маълумот олганлари каби грамматика ҳақидаги илмларни сурияликлардан олмаганмикан? Араб грамматикларининг ишларида грек тилшуносларига тақлид сезилмайдими? Бу саволларга бизнингча «йўқ» деб жавоб бериш керак. Агар суриялик христианлар араб грамматикасининг асосчиси бўлганларида бу ҳақда албатта бирор из қолган бўлар эди. Араб адабиёти тарихи шу қадар тўлиқ, агар таъбир жоиз бўлса, шу қадар аниқки, бундай муҳим аҳамиятга

эга воқеа тарихчилар назаридан четда қолмаган бўлар эди. Араб грамматикасининг яратилиши соф араб маҳсулидир».

Араб тилшунослигининг синтаксис ва морфологияси на юонон, на ҳинд тилшуносларининг асарлари манба бўла олмайдиган, айнан араб тилининг спецификаси, яъни моҳиятидан келиб чиқсан ва унга қаратилган араб грамматикасининг оригинал, яъни ўзига хос қисми ҳисобланади. Араб тилшунослигининг ютуқлари XI – XII асрлар Европаси учун номаълум бўлган антик (давр) илм – фани билан Европа схоластик логикаси ўртасида воситачилик вазифасини ҳам бажарган.

Араблар: «Грамматика илми Қуръони каримни тўғри ўқиш учун керак бўлган экан, Аллоҳ таоллонинг ёрдами билан шунга керакли илм ҳам тезда мукаммал яратилган», – дейишади.

Тилшунослик илмлари системасида қисқа вақт ичида араблар томонидан яратилган мукаммаллик ва аниқ методологик йўналиш шу билан ҳам тушунтириладики, араблар ўтган асрлар мобайнида юононлар, ҳиндлар томонидан тўпланган илмни ижодий ўргана олганлар. Улар ўз тилларининг структурасига чуқур кириб борганлар ва шу билан тил ҳақидаги илмни кўплаб муҳим фикрлар, ҳолатлар билан бойитганлар.

Араблар чиндан ҳам кўп нарсани ўзга халқлардан ўргангандар. Бироқ улар буни ўзларининг миллий борлиғидан келиб чиқиб ўз шароитлари, сарҳадлари ва айниқса ўз манфаатлари доирасида ташки ва ички кураш шароитида бажарганлар. Ўзгаларнинг фикрларини ўргана бориб, улар ўзларига ёт (бегона) бўлган жиҳатларини тезда янгича, ўзларига мос тарзда ўзгартиргандар, янгидан ташкил қилганлар, фаҳмлагандар. Барча ҳолатларга ўзларининг миллий ва тил хусусиятларидан келиб чиқиб ўзгача, янгича тус берганлар.

Юононлар араблардан анча илгари фалсафий фикрлашни ўргангандилари учун араблар ўзларига керак бўлганда айнан улардан [ўз] тил[лари] ҳақида фикрлашни муваффақият билан ўргангандар. Лекин унинг моҳиятини, ўзига хосликларини, мақсад ва вазифаларини мустақил

## ***Modern education and development***

---

тушунишга ҳаракат қилғанлар. Ва бу нарсани улар юонон мантиқи эмас, балки ўз ақлий мушоҳадалари, юонон принциплари эмас, балки ўзларининг мустақил дунёқарашлари билан бажарғанлар.

Эллинизм кўплаб халқларнинг тарихий маданияти шаклланган ва ривожланган юксак гўзал сурат, шакл бўлган, халос. Асло уларнинг сийрати, яъни мазмуни бўлган эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак араб тили грамматикаси, унинг яратилиши ва ривожланиши бевосита ислом дини билан боғлиқдир. Ер юзида мусулмонлар исломни ёйиш мақсадида араб жазирасидан ташқари ҳудудларни «фатҳ» қилгандан сўнг, ажнабий тил вакилларига диний манбалрни баён қилиш учун, араб тилини ўргатишга эҳтиёж сезилди. Шу тариқа араб грамматикасининг илк куртаклари сахобалар даврида пайдо бўлди. Ундан сўнг ўрта асрларга келиб бу Грамматик қоидалар тако, иллашиб тартибланда ва араб тилшунослигига оид бир қанча фанларга ажралди. Бу ажралишлар натижасида, араб грамматикаси ва унга тегишли фанлар босқичма-босқич ривожланиб борди. Натижада бу фаннинг қисимларига оид кўплаб китоблар, рисолалар ва мақолалар ёзилабошлади. Бу ажралиб чиқкан фанларга араб тили марфалогияси, синтаксисикаби йўналишлар алоҳида, «Наҳв илми», «Сарф илми» «Тажвид илми», «Балогат илми» ва «Ваз’ илми» каби алоҳида фанлар кўринишига келди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- Тилшунослик билимлари тарихи (араб тилшунослиги). Дарслик / М.А. Насирова.- Тошкент
- Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Т.:Фан 1982
- Абу Бакр Муҳаммад аз-Забийдий. Табақат ан-нахвий-йин ва-л-луғавиййин.  
– Миср, 1973.
- Арипова З. Дж. Миср мамлук султонлиги ва унда ислом динининг тутган ўрни (1250-1517). – Тарих фанлари номзоди дис. автореф. – Тошкент: 2008.

– 286.

- Броккельман К. Тариху адаби-л-арабийи. – Миср, 1975.
- Гиргас В. Ф. Очеркъ грамматической системы арабовъ. – СПб, 1873. – 147с.
- Жалолиддин Сүйүтий. Бүгйоту-л-вуют. – Қохира, 1972.
- Мозин Муборак. Ан-нахву-л-арабийу. Ал-иллату-н-нахвий-я: нашаатуха ва татаввуруха. – Байрут.: Дару-л-фикр, 1971. – 168б.
- Мұхаммад Тантовий. Нашъату-н-нахви ва таъриху ашхури- н-нуххати. – Миср.: Дару-л-маориф, 2005. – 325б.
- Салох Раввойи. Ан-нахву-л-арабий. Нашаатуху, татаввуруху, мадарисуху, рижалуху. – Қохира.: Дару-л-ғариб, 2003. – 755б.